

МОНЕТАР СИЁСАТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАР

*У.А.Абдуллаев ТМИ “Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н.
И.Расулова ТМИ “Банк иши” кафедраси 1- курс магистранти*

Аннотация

Мақолада монетар сиёсат ва унинг макроиқтисодий барқарорликни ривожлантиришдаги ўрни масаласининг илмий-назарий асослари, мажбурий захира ставкасининг нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлиги тижорат банкларининг кредит потенциалига ва иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасига салбий таъсири, шунингдек, иқтисодчи олимлар томонидан монетар сиёсат пулларга бўлган талаб ва пуллар таклифини тартибга солиш ва назорат қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида эътироф этилган тадқиқотлар ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: монетар сиёсати, пул-кредит сиёсати инструменти, иқтисодий ўсиш, тижорат банки, қайта молиялаш ставкаси, фоиз ставкаси, кредит, инфляция, пулларга талаб, пуллар таклифи, монетизация.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ И ЕЕ РОЛИ В РАЗВИТИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ

*У.А. Абдуллаев Ташкентский финансовый институт, доцент кафедры
«Банковское дело», кандидат экономических наук
И.Расулова 1 курс магистр кафедры «Банковское дело» Ташкентский
финансовый институт*

Аннотация

В статье представлены научно-теоретические основы денежно-кредитной политики и ее роль в развитии макроэкономической стабильности, негативное влияние относительно высоких норм обязательных резервов на кредитный потенциал коммерческих банков и уровень денежной массы в экономике, а также денежно-кредитная политика, сформулированы исследования и соответствующие научные выводы, которые признаны комплексом мер по регулированию и контролю.

Ключевые слова: денежно-кредитная политика, инструмент денежно-кредитной политики, экономический рост, коммерческий банк, ставка рефинансирования, процентная ставка, кредит, инфляция, спрос на деньги, предложение денег, монетизация.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FUNDAMENTALS OF MONETARY POLICY AND ITS ROLE IN THE DEVELOPMENT OF MACROECONOMIC SUSTAINABILITY

*UA Abdullaev Tashkent Financial Institute, Associate Professor of "Banking", Candidate of Economic Sciences
I.Rasulova 1st year master's degree in "Banking" department of Tashkent Financial Institute.
lordfeya@gmail.com*

Abstract

The article presents the scientific and theoretical basis of monetary policy and its role in the development of macroeconomic stability, the negative impact of relatively high required reserve rates on the credit potential of commercial banks and the level of money supply in the economy, as well as monetary policy. We have planned research and relevant scientific conclusions that are recognized as a set of measures for regulation and control.

Keywords: monetary policy, monetary policy instrument, economic growth, commercial bank, refinancing rate, interest rate, credit, inflation, money demand, money supply, and monetization.

Ўзбекистон Республикасида монетар сиёсатни такомиллаштириш иқтисодий ва барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодий жадвал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш жумладан, 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб бориш бунда, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида белгиланган [1].

Шу боис, келгуси беш йилликда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри

келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириш учун замин яратиш бунда, давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш вазифаси мақсад қилиб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида монетар сиёсатнинг ликвидлиликни бериш ва жалб қилиш операциялари бўйича қўлланилаётган фоизли инструментлардан фойдаланишни кенгайтириш, тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантиришнинг бозор механизмларини қўллашни кенгайтириш, макроиктисодий таҳлил ва прогнозлашни илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш, пул-кредит сиёсатининг шаффофлигини ошириш каби долзарб вазифалар қўйилган эди. [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар пул-кредит сиёсати ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Аввало, “монетар сиёсат” тушунчасининг илмий-назарий талқини хусусида сўз юритамиз.

М.Малкина пул-кредит сиёсатига қуйидагича таъриф беради: “Пул-кредит сиёсати – Марказий банк томонидан пул массаси ва пуллар қийматини бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўлиб, мамлакатда баҳолар, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади” [3].

С.Моисеевнинг фикрига кўра, пул-кредит сиёсати – бу давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, пул бозоридаги талаб ва таклиф унинг объекти ҳисобланади [4].

Д.Виноградов ва М.Дорошенко ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Молиявий-пуллик иқтисодиёт” (Финансово-денежная экономика) мавзусидаги ўқув қўлланмада пул-кредит сиёсати пул массаси ва фоиз ставкаларининг даражаларини тартибга солишга йўналтирилган сиёсат сифатида эътироф этилган [5].

Р.Миллер ва Д. Ван-Хуз ҳаммуаллифлигида ёзилган “Замонавий пуллар ва банк иши” мавзусидаги дарсликда монетар сиёсат пул эмиссияси ва пул массаси устидан назорат қилишга қаратилган тадбирлар мажмуи сифатида талқин қилинган [6].

Таниқли иқтисодчи олим Н. Мэнькю АҚШ ФЗТнинг монетар сиёсатини иқтисодиётда муомалада бўлган пуллар устидан назорат қилишни амалга ошириш сифатида талқин қилган [7].

Юқорида қайд этилган хулосалар ва таърифлардан кўринадик, кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан монетар сиёсат пулларга бўлган талаб ва пуллар таклифини тартибга солиш ва назорат қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида эътироф этилган.

Энди монетар сиёсат ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилишга ўтамуҳим.

АҚШлик иқтисодчи олим Ф.Мишкиннинг илмий изланишларида монетар сиёсатнинг макроиқтисодий барқарорликни ривожлантиришга таъсири масаласини таҳлил қилишга катта эътибор қаратилган. Жумладан, унинг илмий изланишлари натижасида шакллантирилган хулосаларига кўра, монетар сиёсат макроиқтисодий барқарорликни ривожлантиришга бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Ушбу таъсири пуллар таклифининг иқтисодий фаолликка таъсирида яққол намоён бўлади [8].

Фикримизча, Ф.Мишкиннинг ушбу хулосаси илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, айниқса, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин тараққий этган мамлакатларда монетар сиёсатга

иқтисодиётни рецессия ҳолатидан чиқарувчи асосий омил сифатида қаралаётганлигида яққол намоён бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида монетар сиёсатнинг стратегик мақсадлари бўлган инфляцияга қарши кураш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга нисбатан макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлаш мақсади муҳимроқ аҳамият касб этиб қолди. Бундай дейишимизга сабаб шуки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида, иқтисодиётни “рецессия” ҳолатидан чиқариш, иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган экспансионистик монетар сиёсат амалга оширилди.

С.Моисеевнинг илмий ишларида пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўли билан макроиқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Унинг фикрига кўра, монетар сиёсатнинг қуйидаги тўртта стратегик мақсадлари мавжуд:

- баҳолар барқарорлиги;
- миллий валютанинг барқарорлиги;
- мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш;
- мувозанатлашган иқтисодий ўсиш [9].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида айрим макроиқтисодий монетар индикаторларнинг ҳолати [10]

(фоизда)

Монетар индикаторлар	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Инфляциянинг йиллик даражаси	14,4	14,3	15,2	11,1	10,0
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	14,0	16,0	16,0	14,0	14,0

Тижорат банкларининг сўмда берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси	18,5	20,5	24,2	22,3	20,8
Мажбурий захира ставкаси	12,5	9,0	9,0	9,0	9,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси, инфляция даражаси ва тижорат банклари томонидан сўмда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси пасайиб борган. Бу эса, мазкур даврда умумий талабни рағбатлантиришга қаратилган монетар сиёсат олиб борилганлигидан далолат беради. Шунга қарамасдан иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик коэффицентини 2017-2021 йилларда 20 фоиздан ҳам паст даражада эканлигини салбий ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин. Жумладан, мажбурий захира ставкасининг эса нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлиги тижорат банкларининг кредит потенциалига ва иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, монетар сиёсат ва унинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни масаласи хусусидаги илмий-назарий қарашларни ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда улардан пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланиш монетар сиёсатни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутаяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.

3. Малкина М.Ю. Инфляционные процессы и денежно-кредитное регулирование в России и зарубежом. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2012. - С. 254.
4. Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 21.
5. Виноградов Д.В., Дорошенко М.Е. Финансово-денежная экономика. Учебное пособие. – М.: Изд. дом. ГУ ВШЭ, 2009. – С. 360.
6. Миллер Р.Л., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2000. – С.428.
7. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. 4-ое изд. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. - С. 297.
8. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО “И.Д. Вильямс”, 2013. - С. 734-735.
9. Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 218.
10. Монетар сиёсат. www.cbu.uz.